ИСМАТОВА Наргиза Адхамовна,
Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти илмий ходими, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
эл. почта: nargiza5555@yahoo.com

МИР АБДУЛКАРИМ БУХОРИЙ ВА УНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ТАРИХИГА ОИД АСАРИ

МИР АБДУЛКАРИМ БУХАРИ И ЕГО РАБОТА ПО ИСТОРИИ ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ

MIR ABD AL-KARIM BUKHARI AND HIS WORK ON THE HISTORY OF CENTRAL ASIA

Аннотация. *Мақола XVIII аср охири – XIX аср бошларида яшаган* сайёҳ, тарихчи ҳамда дипломат *Мир Абдулкарим бин Мир Исмоил Бухорий ҳамда унинг форс тилида ёзилган Марказий Осиё тарихига оид асари таҳлилига бағишланган. Тадқиқотда асар муаллифининг ҳаёти ва фаолиятига доир маълумотлар тақдим этилиши баробарида китобнинг минтақа тарихи ҳамда географиясини тадқиқ этишдаги илмий аҳамияти ёритилган.*

Таянч сўзлар: *Мир Абдулкарим Бухорий, "Марказий Осиё тарихи" асари, Бухоро, Кашмир, Ҳирот, Қобул, Хуросон, Амир Ҳайдар*

Аннотация. *Статья посвящена анализу деятельности Мир Абдулкариму бин Мир Исмаила Бухари, путешественника, историка и дипломата, жившего в XIX веке, и его труда по истории Центральной Азии, написанного на персидском языке. Помимо предоставления информации о жизни и деятельности автора, данная исследования подчеркивает научную значимость книги в изучении истории и географии региона.*

Ключевые слова: *Мир Абдулкарим Бухари, "История Центральной Азии", Бухара, Кашмир, Герат, Кабул, Хорасан, Эмир Ҳайдар*

Abstract. *The article is devoted to the traveler, historian and diplomat Mir Abd al-Karim bin Mir Ismail Bukhari, lived in 19th century, and to his work on the history of Central Asia written in Persian. The study provides information about the life and activities of the author, as well as the study emphasizes the scientific significance of the book in the study of the history and geography of the region.*

Keywords: *Mir Abd al-Karim Bukhari, "The history of Central Asia", Bukhara, Kashmir, Herat, Kabul, Khorasan, Emir Haydar*

КИРИШ

Мир Абдулкарим бин Мир Исмоил Бухорийнинг Марказий Осиё тарихига оид асари минтақа тарихи ҳамда географиясини тадқиқ этишда илмий аҳамият касб этади. Айрим тадқиқотчилар *[2; 5:130-137; 1:36-37]* томонидан тегишли мавзу доирасида мазкур асарга мурожаат қилинган бўлса-да, бу борада яхлит тадқиқот амалга оширилмаган. Мазкур мақола доирасида Мир Абдулкарим Бухорий фаолиятининг айрим жиҳатлари ҳамда асарнинг манбавий аҳамияти таҳлил этилади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Мир Абдулкарим Бухорийнинг ҳаёти ва фаолиятига доир маълумотлар кам бўлиб, бу ҳақда асосан унинг асарида учратиш мумкин. Муаллифнинг ҳаёти турли сафар ва саёҳатларда ўтган. Абдулкарим Бухорийнинг ўзи бу ҳақда шундай ёзади: "*... камина-йи камтарин ёшлик даврдан бошлаб, то ҳозирга қадар доимо дунё кезганман, машҳур кишилар, уламою фузало ҳамда арбобларнинг шарафли мажлисларида иштирок этганман*" *[7:3]*.

Мир Абдулкарим Бухорий асарнинг илк саҳифаларида "*Мен Абдул Оқил Мир Абдул Карим бин Мир Исмоъил Бухоро элчиси саркотиби 1233 йилда Дорул-Ислом*" дея имзосини қўяди. Эътиборли жиҳати, бу ўринда муаллиф ўзига Бухорий нисбасини қўлламаган. Ушбу масала юзасидан муносабатини билдирган Анке Фон Кьюкелгеннинг қайд этишича, муаллиф катта эҳтимол билан асли афғонистонлик бўлиб, Бухорий нисбасини бироз кейинроқ, яъни ушбу шаҳарга кўчиб ўтгандан сўнг қўллай бошлаган *[5:132]*. Хусусан, асарнинг 104-саҳифасида ўзини "*... мазкур фақир Мир Абдулкарим Бухорий...*" деб атаган *[7:104]*. Муаллифнинг келиб чиқиши Бухородан бўлмаса, нега Туркияда ёзган асарида бу тахаллусни қўллаган, деган савол туғилиши табиий. Бу борада фикр билдирган тадқиқотчи Д. Ҳамроеванинг ҳам таъкидлашича, Мир Абдулкаримнинг Туркияга кетгач, орадан ўн-ўн икки йилдан сўнг ёзган асарида Бухорий тахаллусини қўлламаслиги ҳам мумкин эди *[2:224]*. Абдулкаримнинг бухоролик уламолардан бўлганлиги хусусидаги маълумотни XX асрда туркиялик ношир Шамсиддин Сомий ўзининг "*Қомус ал-аълом*" асарида қайд этган.

ISSN 2181-9572

Муаллиф китобида икки маротаба Кашмирга боргани, биринчи маротаба ўн олти ёшида Ҳиротдан Қандаҳор, Қобул, Пешовар, Музаффаробод орқали, иккинчи маротаба эса, Бухородан Москвага, у ердан Ила, Қашғар, Ёркент, Тибет ва Кашмирга келиб, 1224 ҳ./1809-1810 м. йилда шу йўл орқали қайтиб кетганини баён этади *[2:3]*.

Мир Абдулкарим Бухоро амирлиги давлат хизматидаги фаолиятини Амир Ҳайдар (1800-1826) ҳукмронлиги давридан бошлаган. У дастлаб девонхонада, 1804-1805 йиллардан эса, элчилик таркибида турли лавозимларда ишлаган *[5:132]*. Жумладан, Абдулкарим Бухорий 1222 ҳ./1807 м. йилда Бухородан Истанбулга сафар қилган Мирзо Муҳаммад Юсуф бин Суфи Ражаб Бой исмли элчига ҳамроҳлик қилади. Асарда шундай қайдларни учратиш мумкин: "... *Ражаб ойининг охирида Истанбул салтанатига кириб келдик. [Бизга] Қопу Майдончиқ боғчасидаги Саййид Афанди хонадонидан жой бердилар. Бизга камоли иззат ва ҳурмат кўрсатдилар*" *[7:3]*. Орадан бир йилча вақт ўтгандан сўнг элчи ҳамда элчилик таркибидаги хизматчилар юқумли касалликдан вафот этадилар. Бу воқеадан муаллифнинг узоқ муддат қайғуда қолгани асарда битилган. Маълум муддатдан сўнг эса, шу ерда уйланади *[7:2]*. Ҳаётининг кейинги йиллари ҳам мазкур шаҳарда ўтганлиги аниқ бўлмаса-да, 1246 ҳ./1830-1831 м. йилда Истанбулда вафот этгани хусусида маълумотлар учрайди *[2:3]*.

Бугунги кунгача аниқланган маълумотларга кўра, Мир Абдулкарим Бухорийнинг бизгача фақат бир асари етиб келган. Шартли равишда "*Марказий Осиё тарихи*" деб номланган ушбу тарихий мемуар асар 1233 ҳ/1817-1818 м. йилда форс тилида битилган бўлиб, Хуросон ҳудуди, шунингдек, Бухоро, Қўқон ҳамда Хива хонликлари тарихига бағишланади. Асарнинг номланиши борасида маълумот берган И.Низомиддиновнинг қайд этишича, Мир Абдулкаримнинг бу асари Ўрта Осиёда "*Тарихи Надимий*" номи билан ҳам машҳур бўлган *[2:6]*.

Асар истанбуллик амалдор – маросимлар бошқарувчиси Орифбек Афанди буюртмасига асосан ёзилган. У Абдулкарим Бухорийдан "*Хуросон, қисман Ҳиндистон, Турон мамлакатларидаги вазият ҳамда 1160 (1747) йилдан бошлаб у ерларда ҳукмронлик қилиб келаётган афғон ва бошқа подшоҳлар...*", шунингдек, "*...жаҳоннинг бошқа қисмида бўлаётган воқеалар ва у ердаги одамлар аҳволи...*" *[7:3]* ҳақида ёзишни сўрайди. Таъкидлаш лозимки, 1747 йил минтақада ҳал қилувчи муҳим йил бўлганлиги билан тарихда қолган *[5:130]*. Дарҳақиқат, мазкур йил Марказий Осиё тарихидаги кўплаб жараёнларнинг кескин тус олишига таъсир кўрсатгани билан ниҳоятда аҳамиятлидир. Аҳмадшоҳ Дурроний (1747-1772)нинг Қобул тахтига ўтириши, Нодиршоҳ (1688-1747) нинг ўлдирилиши, манғитлар сулоласидан Муҳаммад Раҳимхон (1756-1758)нинг Бухорода ҳокимиятни қўлга киритиши *[5:130-131]* сингари ҳодисаларни келтириш мумкин.

Муаллиф ушбу китобида баён этиладиган мамлакатларнинг аксариятини ўз кўзи билан кўрганини, айримларини эса, сайёҳлар томонидан сўзланган рост ҳикоялар асосида битилганини таъкидлайди *[7:3]*. Бу орқали Мир Абдулкарим асарда келтирилган маълумотларнинг ишончли эканлигига алоҳида урғу бериб кетганини пайқаш мумкин.

Асар 1246 ҳ./1830 м. йилда тўлиқ ёзиб тугалланган *[2:6]* ҳамда Қоҳирадаги машҳур босмахоналардан бирида чоп этилган *[4:239]*. 1876 йилда эса, Шарль Шефер исмли француз таржимони томонидан асарнинг форсча матни Парижда қайта нашр этилган. Китоб сўнгида эса, туркий ва форс сўзлари аралашган ҳолда қуйидагилар қайд этилган: "*Афғону, Қобулу, Бухоро ва Хивақу, Хўқанд хонларининг аҳвол ва ҳикояти ғаробат иштимолларини Ҳовий Мир Абдулкарим таълиф кардаси*[1] *ўлан ушбу тарихи латиф фармонфармойи хатта-йи Қоҳира хадив маъориф унвон ва довари авориф нишон Валий Неъматбий эмтенон*[2] *Исмоъил Пошшо ... афандимиз ҳазраларини[н]г соя-йи ҳунар пироя-йи ҳадевоналаринда машҳур офоқ ўлан Булоқ дорултабоъасинда ъиззатлу Ҳусайн Ҳасанибек афанди[н]г назорати ... Муҳаммад Ҳусайни афанди[н]г ваколати ва Ҳасан диққати ва Антокияли Муфтизода Муҳаммад Нажиб Камбазоъанинг тасхихи ожизонасила ... Шарқия мадрасаси мусю (мисье) Шефир жанобларининг заҳматларина ушбу минг икки юз тўқсон сана-йи ҳижриясини[н]г шаъбони муаззама авосатинда*[3] *табъ*[4] *ва тамсил ўланмишдур"[7:111].*

[1] Ёзмоқ, баён этмоқ.
[2] Шарофатлари билан
[3] Ўрталарида
[4] Нашр

1876 йилда Шефер асарни француз тилига ҳам таржима қилиб, нашр этган *[6]*. Асарнинг қўлёзма нусхаларидан бири Тожикистон Фанлар академияси шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида “*Ҳақойиқ ал-умур*” (“*Нарсаларнинг асл ҳолати*”) номи билан сақланади. Мазкур нусха XX аср бошларида кўчирилган бўлиб, унга асос сифатида Қоҳира нашри танлаб олинган *[4:239]*. Қайд этиш лозимки, китобнинг Парижда чоп этилган нусхасида муаллиф айрим қисмларда фикрини *“... баҳақойиқ ал-умур”*, дея якунлаган. Хусусан, асарнинг 36-саҳифасида Маҳмудшоҳ Дурроний (1801-1803; 1809-1818) амакиси шоҳ Шужоъ (1803-1809)нинг 1817 йилда Ҳиндистонга инглиз амалдорлари ёнига ташрифи билан боғлиқ воқеани тасвирлар экан, “... *Валлоҳу аълам баҳақойиқ ал-умур*” (Аллоҳ ҳамма нарсанинг асл ҳолатини билгувчи зотдир!) деб нуқта қўяди *[7:36]*. Шунингдек, асарни ҳам мазкур ибора билан тугатган. Бу эса, асарнинг яна бир номи ҳақиқатдан ҳам “*Ҳақойиқ ал-умур*” бўлганидан далолат беради.

Асарнинг ёзилиш услуби анчайин содда бўлиб, унда жимжимадор иборалар, Қуръон оятларидан иқтибослар деярли учрамайди. Анке Фон Кьюкелген муаллифнинг луғат бойлигини сарой котибига қўйилган талабларга мос бўлмаган тарзда қўлланилганини таъкидлайди *[5:135]*.

Абдулкарим Бухорий асарини ёзишда манба ва тарихий адабиётлардан фойдаланган бўлса-да, бу ҳақда аниқ маълумот келтирмайди. Таржимон Шефернинг изоҳлашича, муаллиф шубҳасиз тарихий асарлардан фойдаланган.

“*Марказий Осиё тарихи*” асари мазмунан XVIII аср ўрталари – XIX аср бошлари воқеаларини қамраб олиб, унда Хуросон, Ҳиндистон, Бухоро, Хива, Қўқон хонликлари тарихи, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳаётига оид кўплаб муҳим маълумотлар келтирилади. Шунингдек, мазкур мамлакатларнинг шаҳарлари, ўзига хосликлари хусусида ҳам батафсил маълумотлар қайд этилганки, бу муаллифнинг географ сифатида ҳам катта тажрибага эга бўлганидан далолат беради. Масалан, Ҳиндистоннинг кўплаб шаҳарларини санар экан, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати, йиллик даромадлари у жойларда етиштириладиган маҳсулотлар, мавжуд конларни ҳам ёзади: “... *Баъзи шаҳарларда мис, кумуш, темир, қўрғошин, тилла, симоб конлари мавжуд, олтингугурт маъдани бисёрдир. Қишлоқларда нил бўёғи етиштирилади. Шакарқамиш, занжабил, зарчўва ва турли навдаги зираворлар етиштирилади. Писта дарахти сероб... Ҳар бир шаҳар (мамлакат) даромади давлат хазинасига йўналтирилади” [7:4]*.

Асардаги тарихий воқеалар дастлаб Хуросондаги вазият, сафавийлар сулоласининг заифлашиб қолгани, мазкур сулолага қарши афғон қабилаларининг озодлик ҳаракатлари билан бошланади. Сўнгра 1747-1819 йилларда Афғонистонда ҳукмронлик қилган Дурроний лар сулоласининг ташкил топиши баён этилади: “... *Нодиршоҳ Курдистонда Тус яқинида 1159 (1746)*[5] *йилда Солиҳ Муҳаммадхон Қарахли Афшар қизилбош томонидан кечаси ўлдирилди. [Шоҳга] яқин бўлган афғон жамоаси (қўшини) ўша кечаёқ [бундан] хабар топдилар. Муҳаммад Ғанихон ва Аҳмадхон икалалари бирлашиб, подшоҳликнинг қурол-аслаҳаларининг бир қисмини таладилар. Тонгда қўшиндан ажрадилар. Қойин ва Сейистон йўлидан Қандаҳорга равона бўлдилар. Йўл бўйлаб афғон жамоаси бирлашиб, ўзларига Аҳмадхонни етакчи қилиб танладилар. Муҳаммад Ғанихонни ўлдириб, Аҳмадхонни шоҳ, Валихон Фулфулни Зайини ўзларига вазир этиб тайинладилар. Қандаҳорга кириб келганларида бутун афғон [халқи] табриклаш учун келдилар. Шу вақтда Нодиршоҳга аталган тўла хазина Ҳиндистон, Синд ва Мўлтондан келаётганда Аҳмадхон қўлга киритди ва кўп сонли қўшинни жамлаб, 1164 (1750) йилда подшоҳлик мақомини (номини) ўзига олди”[7:8-9]*.

Абдулкарим Бухорий Аҳмадшоҳ ҳақида кўп илиқ фикрларни ҳам баён этади. Хусусан, подшоҳнинг хушфеъл, одил, олийҳиммат, тўғрисўз, юмшоқ табиатли бўлганлигини, унинг ўттиз йил ҳукмронлиги даврида мамлакатда фаровонлик ҳукм сурганини таъкидлайди[6].

Асардаги воқеалар жўғрофик ҳудудлар ва у ердаги ҳукмдор сулола вакиллари – подшоҳлар, шаҳзодалар фаолиятига мувофиқ тарзда ёритилган. Шунинг учун муайян воқеани бир неча жойда такроран учратиш мумкин. Муаллиф Хуросон тарихи, у ердаги ҳукмдор сулола вакиллари ҳақида анчагина

[5] Бироқ аксарият адабиётларда Нодиршоҳнинг вафоти 1747 йил деб кўрсатилган.

[6] Schefer Ch. Hištoire de L’Asie Centrale ... Texte persan (Форсча матн). P. 9.

ISSN 2181-9572

батафсил маълумотлар тақдим этади. Бу эса, унинг ўзи таъкидлаганидек, сафарлари давомида турли уламою фузало ҳамда давлат арбобларининг мажлисларида кўп иштирок этгани натижасидир. Қолаверса, Д.Ҳамраева қайд қилганидек, афғон шаҳзодаси Маҳмудшоҳ Дурроний ҳибсдан қочиб, Бухорога келганида унга ҳамроҳлик қилиб, кўп ҳамсуҳбат бўлгани, натижада Афғон, Эрон, Ҳинд мамлакатлари ҳақида янада қимматли маълумотларни қўлга киритгани билан ҳам боғлиқдир *[3:224]*. Асарда номлари зикр этилган ҳар бир ҳукмдорнинг муҳридаги ёзувлар борасида ҳам қизиқарли маълумотларни учратиш мумкин. Масалан, Аҳмадшоҳнинг фарзанди Темуршоҳ (1773-1793) муҳрида битилган ёзув қуйидагича эди: *"Оламга Темуршоҳ давлатининг [ўрнатилиши] Аллоҳнинг иноятидан белги эди" [7:10]*.

Китобда Бухоро, Хива ҳамда Қўқон хонлари насабномалари, ҳукмдорлар фаолияти билан боғлиқ ҳам муҳим жиҳатлар акс этган. Шу билан бир қаторда минтақада истиқомат қилган турли этник гуруҳлар, қабилалар ҳаёти ҳақида ҳам қизиқарли фактлар ўрин олган *[1:37]*. Муаллиф аштархонийлар сулоласининг заифлашуви, Нодиршоҳнинг Мовароуннаҳрга босқини, Абулфайзхон (1695-1747)нинг бунга муносабати ҳақида ўз қарашларини баён этади. Хусусан, Мир Абдулкаримнинг фикрича, Нодиршоҳнинг Мовароуннаҳрни босиб олиш ҳаракатига жавобан кучлар нисбатини тўғри баҳолай олган Абулфайзхон нияти фақатгина сулҳ тузиш бўлган. Муаллиф Нодиршоҳ Ҳиндистондан қайтаётганда Абулфайзхон унинг қўшинига кучи етмаслигини тан олиб, бир неча ишончли кишилари билан бирга жўйбор хожаларини совға-саломлар билан Пешоварга Нодиршоҳ ҳузурига жўнатиб, таслим бўлганлигини қайд этади *[7:44-45]*.

Бундан ташқари, Бухорода Муҳаммад Раҳимхон (1756-1758), Хивада Элтузархон (1804-1806)лар бошчилигида ҳукуматда юз берган кескин ўзгаришлар, Амир Шоҳмурод (1785-1800)нинг диний-сиёсий соҳада олиб борган ислоҳотлари хусусида ҳам муаллифнинг ўзига хос ёндашувларини, очиқ тасвирларини кузатиш мумкин. Масалан, Абдулкарим Бухорий бир томондан Шоҳмуроднинг шахсиятини эъзозлаб, одил, ҳақпараст ва халқчил деб таърифласа, бошқа томондан унинг ўта мутаассиб бўлганини таъкидлайди *[2:23; 28]*. Шоҳмурод даврида шиа мазҳабидаги кишилар қувғин қилинганини *[2:25]*, ушбу мазҳабга муносабати туфайли Марв билан бўлган ўзаро можаролар, алоқаларнинг кескинлашуви, Бухоро ҳукмдорининг мазкур ҳудудга ҳужуми ва охир-оқибатда Марвнинг таслим бўлиши воқеалари асарда тўла баён этилади *[7:25-26]*.

ХУЛОСА

Абдулкарим Бухорийнинг Марказий Осиё тарихига бағишланган асари минтақа тарихи, географияси, дипломатияси, шунингдек, муаллиф яшаган давр ижтимоий-иқтисодий ҳолати хусусида ўзида қимматли маълумотларни жамлайди. Асардаги аксар воқеаларнинг муаллиф шахсий кузатувига асосланганлиги эса, унинг муҳим илмий манба сифатидаги аҳамиятини янада оширади. Келгусида мазкур асарни ҳар томонлама тадқиқ этиш олдимизда турган асосий вазифалардан саналади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР

1. Бухоро амирлиги тарихий манбалари. Ўзбекистон тарихига оид манба ва тадқиқотлар (XIX аср – XX аср бошлари). Масъул муҳаррир Д.Ҳ. Зияева. Тошкент, 2022. – Б. 36-37.
2. Низомиддинов И. Абдулкарим Бухорий. Машҳур кишилар ҳаёти. Тошкент, 1966.
3. Ҳамроева Д. "Ҳақойиқ ал-умур" Ўрта Осиё тарихига оид манба // "Ўзбекистон тарихининг долзарб масалалари: асосий йўналишлари ва ёндашувлар" Республика ёш олимларининг биринчи илмий конференцияси материаллар тўплами. Тошкент, 2009. – Б. 224 – 226.
4. Каталог восточных рукописей Академии наук Таджикской ССР. Том I. Сталинабад, 1960.
5. Фон Кюгельген Анке. Легитимация среднеазиатской династии мангитов в произведениях их историков (XVIII-XIX вв.). – Алматы, 2004.
6. Schefer Ch. Histoire de L'Asie Centrale (Afghanistan, Boukhara, Khiva, Khoqand) Depuis les dernières années du règne de Nadir Châh (1153) , jusqu'en 1233 de l'Hégire (1740-1818) par Mir Abdoul Kerim Boukhary. Paris, 1876.
7. Schefer Ch. Histoire de L'Asie Centrale (Afghanistan, Boukhara, Khiva, Khoqand) par Mir Abdoul Kerim Boukhary. Texte persan (Форсча матн). Paris, 1876.